



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
PROKURATURASI
QORAQALPOG'ISTON
RESPUBLIKASI
PROKURATURASI**

230100, Nukus shahri, G'arezsizlik ko'chasi, 44-uy

2022 йил "01" декабрь

№ 9/13/22

**Қорақалпоғистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазири
М.И.Қурбановга**


Қонун бузилиши, унинг келиб
чиқиш сабаблари ва бунга
имконият яратиб бераётган шарт
- шароитларни бартараф этиш
тўғрисида

ТАҚДИМНОМА

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги, қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 13.09.2017 йилдаги "Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида тиббий хизматлар сифатини яхшилашга, ўтказилаётган профилактика тадбирларининг самарадорлиги учун масъулиятни оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 718-сонли Қарори ҳамда соҳага оид бошқа норматив ҳужжатларнинг ижроси юзасидан уйда якка тартибда таълим олаётган ногирон болаларни дори-дармон, протез ортопедик буюмлар ва ҳаракатланиш воситалари билан таъминлаш, уларни тиббий кўриқдан ўтказиш ва жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсон бўлган ҳамда узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган болаларнинг аҳволи ўрганилди.

Таҳлилларга кўра, тиббиёт муассасалари томонидан жойларда ногиронлиги бўлган, сурункали касалликларга чалинган вояга етмаганларнинг патронаж ишларини мунтазам олиб бормаслик, уларни мунтазам назоратга олмаслик ва кузатиб боришни етарли ташкиллаштирмаслик, тор доира шифокор текширувларидан тизимли ўтказмаслик ҳамда даволаш чораларини кўрмаслик ҳолатларига тизимли йўл қўйилиб келинган.

Хусусан, Нукус шаҳрида 278 нафар, Амударё туманида 170 нафар, Беруний туманида 121 нафар, Бўзатов туманида 9 нафар, Қораўзақ туманида 21 нафар, Қонликўл туманида 38 нафар, Кегейли туманида



нафар, Қўнғирот туманида 73 нафар, Муйноқ туманида 16 нафар, Нукус туманида 31 нафар, Тахиатош туманида 58 нафар, Тахтақўпир туманида 36 нафар, Тўртқўл туманида 80 нафар, Хўжайли туманида 51 нафар, Чимбой туманида 48 нафар, Шўманой туманида 31 нафар ҳамда Эллиққалъа туманида 104 нафар жами 1202 нафар болалар уй шароитида таълим олмоқда.

Шундан, ақли заиф ўқувчилар 482 нафар, таянч ҳаракат аъзолари шикастланган ўқувчилар 307 нафар, кўзи ожиз ва заиф кўрувчи ўқувчилар 5 нафар, эшитишда нуқсонли бор ўқувчилар 2 нафар, нутқда нуқсонли бор ўқувчилар 8 нафар ва бошқа турдаги касалликка чалинган ўқувчилар 398 нафарни ташкил қилган.

Уй шароитида таълим олаётган болаларнинг тиббий кўрикдан ўтказилиши, дори-дармон, протез, ортопедик буюмлар ва ҳаракатланиш воситалари билан таъминланишида **бир қатор камчиликларга йўл қўйилган.**

Масалан: уй шароитида таълим олаётган болаларнинг чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан (*рентген, педиатр, хирург, лор, окулист, эндокринолог, дерматовенеролог, ва стоматолог*) ўтказиш лозим бўлсада, Тахиатош туманидаги 6-сонли мактаб ўқувчиси Ш.Нарбаев жорий йилда психиатр кўригидан ўтказилмаган, 19-сонли мактабнинг 8-синф ўқувчиси М.Аразметов текшириш кунига қадар стационар шароитда даволанмаган, 15, 9-сонли мактаб ўқувчилари Т.Муратбаев, Э.Ражаповлар шифокор назоратига олинмаганлиги сабабли соғломлаштириш чоралари кўрилмаган, 2-сонли мактаб ўқувчиси Д.Тазабекев жорий йилда тиббий кўрикдан ўтказилмаган.

Ёки, Қонликўл туманидаги 19-сонли мактабининг 9-синф ўқувчиси М.Юлдашовага патронаж хизмати кўрсатилмаган ва керакли дори-дармонлар билан таъминланмаган.

Бундан ташқари, Амударё туманидаги умумтаълим мактабларида уй шароитида таълим олаётган болалар 170 нафарни ташкил қилиб, шундан 122 нафари психоневрологик касалликлар, 4 нафари хулқ атвори бузилиши, 3 нафари хавфли усмалар, 6 нафари туғма юрак нуқсонли 1 нафари бронхиал астма, 2 нафари қандли диабет ва 37 нафари бошқа касалликлар билан даволаниб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги қонуни 22-моддасида “ногиронлиги бўлган шахслар, шу жумладан ногиронлиги бўлган болалар ва болалиқдан ногиронлиги бўлган шахслар тиббий-ижтимоий ёрдам олиш, куч-қувватни тиклашнинг барча турларидан фойдаланиш, дори воситалари, протез-ортопедия мосламалари, ҳаракатланиш воситалари билан имтиёзли асосларда таъминланиши лозим” деб кўрсатилган.

Нукус шаҳар ва Амударё туманидаги ногиронлиги бўлган болаларни тиббий кўрикдан ўтказишда юритилган амбулатор карталарида ҳам камчиликларга йўл қўйилган

Хусусан, Амударё туманидаги 22-сонли мактабининг 5-синф ўқувчиси М.Атамуратовага (ташхиси тугалланмаган остеогенез оёқ ва қўл найсимон суякларининг кўп сонли синиши) жорий йилнинг март ва сентябрь ойларида травматолог кўриги натижасида кальций дори воситалари қабул қилиш кўрсатилган бўлсада, дори воситалар билан таъминланмаган ва бирон марта стационар шароитида даъволаш чоралари кўрилмаган.

Ёки, ушбу мактабининг 5-синф ўқувчиси Ш.Каримов (ташхиси ДЦП диплекс) 2 йил давомида стационар шароитида даволанмаган, тиббий хизматлар ўз вақтида кўрсатилмаган, шифокор томонидан тавсиялар берилмаган ва махсус ортопедик пойабзал билан таъминланмаган, 15-сонли мактабининг 5-синф ўқувчиси Ш.Рустамова (ташхиси эпилепсия) ва 22-сонли мактабининг 5-синф ўқувчиси Н.Кукланова (ташхиси туғма юрак нуқсони)лар ўрганиш кунига қадар офтальмолог кўригидан ўтказилмаган ҳамда 36-сонли мактаб ўқувчилари Д.Назиров (ташхиси сурункали гломерулонефрит нефротик шакли зўрайиш даври) ва С.Сафарбоев (Сурункали гломерулонефрит нефротик шакли)лар дори дармонлар билан таъминланмаган.

Тиббиёт ходимларининг масъулиятсизлиги оқибатида 33-сонли мактабнинг 5-синф ўқувчиси Б.Муратбоев (ташхиси церебрал фалаж), 11-сонли мактабнинг 5-синф ўқувчиси Ж.Юлдашевлар (ташхиси ақлий заифлик, енгил даражаси), 2022 йилда бир маротаба тиббий кўрикдан ўтказилмаган ёки 22-сонли мактабининг 5-синф ўқувчиси С.Хайитбоева (ташхиси ақлий заифлик, енгил даражаси) 3 йилдан буён стационар шароитида даволаш чоралари кўрилмаган.

Шунингдек, туманда 14 нафар (У.Эрдашова, Т.Муродова, О.Саъдуллаев, Е.Бисенбаев, Ж.Базарбаев, А.Балтабаев, С.Турсинбоева, Б.Холбоев, М.Шарипова, Б.Юлдашбаев, Д.Рустамова, И.Турсинбоев, У.Кенжабаева, Ш.Егамберганова) уйда алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган болаларга ажратилган протез-ортопедия ва реабилитация техник воситалари болаларнинг орасида буй вазн индекси ҳар олти ойда аниқланмаганлиги сабабли, ажратилган реабилитация техник воситалари мос келмасада, алмаштириш чоралари кўрилмаган.

Шунингдек, Нукус шаҳридаги мактабларида уй шароитида таълим олаётган 275 нафар болаларнинг 99 нафари неврологик касалликлар, 139 нафари ақли заифлик, 13 нафари суяк ва мушак касалликлари, 3 нафари насиллик касалликлари, 1 нафари нейрохирургия, 9 нафари қон касалликлари, 5 нафари ревмокардиологик касалликлар, 5 нафари буйрак, 11 нафари туғма юрак нуқсони, 4 нафари ўсма касалликлари, 4 нафари нафас олиш касалликлари, 2 нафари тери таносил, 3 нафари қон айланиш тизими касалликлари, 2 нафари туғма бош мияси нуқсони ва 1 нафари эндокрин касаллиги ташхиси қўйилган.

Жумладан, шаҳардаги 2-сонли оилавий поликлиниканинг ҳисобида турувчи Д.Палуаниязов (ташхиси органическое заболевание головного

...а в связи с нейроинфекцией со слабоумием) ва Н.Кутлымуратов (ташхиси постравматическая энцефалопатия с внутричерепной гипертензией судорожный синдром дислалия)лар ўсиш ва ривожланиш ўз вақтида мониторинг олиб борилмаган ва буй вазн индекси ўлчанмаган ҳамда вояга етмаган Э.Толепбергеновани (ташхиси Умственная отсталость умеренная с моторной алалией и нарушением поведения ВПС ДМЖП) невропатолог шифокор тиббий кўригидан ўтказилмаган.

Ёки, 4-сонли оилавий поликлиникада ҳисобда турувчи Р.Шамуратов (ташхиси: детский церебральный паралич спастическим деплегическая форма) ва Р.Турсынбаев (последствие ОНМК с правосторонним гемипарезом) окулист шифокор тиббий кўригидан ўтказилмаган.

Бундан ташқари, шаҳардаги 5-сонли оилавий поликлиника ҳисобида турувчи Б.Ембергеновга нисбатан (ташхиси детский аутизм), Қ.Барлықбаева (ташхиси наследственное обменное заболевание Фенилкетонурия) жорий йилда бирон марта диспансер тиббий кўриқдан ўтказилмаган ва С.Бахтияровадан (ташхиси острый лимфобластный лейкоз) амбулатор шароитда қон таҳлили олинмаган.

Ёки, 6-сонли Оилавий поликлиникада ҳисобда турувчи К.Пухратдинов (ташхиси правосторонний гемипарез последствие ДЦП со снижением памяти), Г.Кенесбаев (ташхиси последствие перенесшего ОНМК левосторонний гемипарез с судорожным синдромом), К.Ниязгалиев ва Е.Оразымбетов, 8-сонли оилавий поликлиникада ҳисобда турувчи К.Боранбаев (ташхиси ДЦП спастическая диплегия с ЗППР), Ш.Полатовалар (ташхиси ДЦП. Спастическая диплегия. ЗПМР)лар жўрий йилда диспансер кўригида ўтказишда буй вазн индекси олинмаган ва уларга тиббий муолажалар кўрсатилмаган.

Баён этилган қонун бузилиши ҳолатларининг келиб чиқишига Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг тасарруфидаги туман - шаҳар бўлимлари масъул ва мансабдор шахслари ўз хизмат вазифаларини лозим даражада бажармаганликлари, ишнинг тўғри ташкиллаштирилмаганлиги, тизимли камчилик ва қонунбузилиши ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш борасида ташаббус кўрсатилмагани сабаб бўлган.

Баён қилинганларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг 40-моддасини қўлланиб,

с ў р а й м а н:

1. Ушбу тақдимномани **дарҳол** Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг кенгайтирилган йиғилишида кўриб чиқиб, муҳокама қилиб, аниқланган қонун бузилиши ҳолатларининг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгилашни.

Жумладан;

- Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 13.09.2017 йилдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида тиббий хизматлар сифатини яхшилашга, ўтказилаётган профилактика тадбирларининг самарадорлиги учун масъулиятни оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур соҳага оид бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашингизни;


- Ногиронлиги бўлган шахслар, шу жумладан ногиронлиги бўлган болалар ва болалиқдан ногиронлиги бўлган болаларни ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтказиш ва уларнинг тиббий-ижтимоий ёрдам олиш, куч-қувватни тиклашнинг барча турларидан фойдаланиш, дори воситалари, протез-ортопедия мосламалари, ҳаракатланиш воситалари билан имтиёзли асосларда таъминлашингизни;

- ногиронлиги бўлган шахслар, сурункали касалликларга чалинган беморлар орасида патронаж ишларини мунтазам олиб боришингизни;

2. Юқорида қайд этилган қонунчилик талаблари ижросини таъминламасдан, масъулиятсизликка йўл қўйган мансабдор ва масъул шахсларнинг **интизомий жавобгарлик масаласини** қонун доирасида ҳал этишингизни;

3. Тақдимномани кўриб чиқишда иштирок этиш учун кўриб чиқиладиган кун ҳақида Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасига хабар қилишингиз ва кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида **бир ойлик** муддат ичида республика прокуратурасига ёзма равишда маълум қилишингизни.

Қорақалпоғистон Республикаси
прокурорининг ўринбосари
адлия катта маслаҳатчиси



Б.С.Науризбаев